



ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ КЎНИКМАСИНИ АМАЛИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

Жабборова Онахон Маннаповна
(PhD)

Ташанова Фарида Зоировна магистр

Аннотация: *ушбу мақолада педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг самарали метод ва воситалари тахлил қилинган.*

Калит сўзлар: *кластер, кўникма, касб, тажриба, метод, восита, маҳорат, натижа.*

Мамалакатимизда касбий жиҳатдан етук педагоглар тайёрлаш жараёни замонавий технологиялар асосида ривожланиб бормоқда. Шу жиҳатдан педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг *самарали метод ва воситаларини* тадқиқ этиш, уларнинг энг муҳимларини белгилаш долзарб ҳисобланади [1]. Бу ўринда ана шу масаланинг таҳлилига эътиборингизни тортамыз.

Педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг самарали методлари кўп бўлиб, бу ўринда уларнинг энг муҳимларига таяниш мумкин.

1. *Тушунтириш методи.* Мазкур методга кўра, ўқитувчи касбий кўникмасининг асослари ва унинг негизлари назарий билим воситасида тушунтирилади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беришини таъкидлаш лозим:

- таълим ва тарбия беришнинг назарий асослари бўйича чуқурлаштирилган билимларни тақдим этиш;

- педагогик манбаларда баён қилинган ўқитувчининг касбий кўникмасига доир ёндашувларни тушунтириш;

- педагогик илмий-тадқиқотлар асосида талабаларнинг касбий кўникмасини илмий шакллантириш;

- талабаларни ўзлаштирган билимларидан амалий фойдаланишга тайёрлаш.

Бундай ёндашув бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантиришда назарий билимларга асосланиш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатади, айнан тушунтириш воситасида касбий кўникмани мақсадли шакллантириш мумкин. Чунки тушунтириш жараёнида юзага келган муаммоларнинг ечимлари топилади ва ўқитувчи ҳамда талабанинг ҳамкорлиги натижасида касбий кўникмани эгаллашнинг амалиёти таркиб топади [2]. Шу



сабабли тажрибадан ўтган бу методга устувор даражада таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. *Ўргатиш методи.* Бу методга кўра бўлажак ўқитувчиларга касбий кўникмани дидактик асослари ўргатилади. Бундай дидактик асосларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитиш асосларини амалий жиҳатдан ўзлаштириш;
- ўқиш жараёнини ўрганиш ва билиш;
- ўқитишнинг турли дидактик воситаларини эгаллаш;
- ўқитишнинг самарадорлигига эришиш йўллари билиш.

Бундай ёндашув ўргатиш методининг асосини ташкил этади. Педагогик тажрибадан маълумки, айнан ўргатиш методи асосида талабаларнинг касбий кўникмасини самарали шакллантириш мумкин. Чунки ўргатиш жараёнида юзага келадиган саволлар ва масалаларнинг ечими топилади, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ҳамкорлик натижасида касбий кўникмани эгаллашнинг дидактик таъминоти таъминланади.

Миллий педагогикамиз тарихида айнан ўргатиш методи асосида асрлар давомида профессионал ўқитувчилар тайёрланиб келган. Мисол учун, жадид маърифатпарварлари бу методни кенг қўллаш билан таълим берувчи шахснинг касбий жиҳатдан етук бўлишига эришган. Шу жиҳатдан олий педагогик таълим жараёнида педагогик ва танлов фанларини ўқитиш воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий жиҳатдан шакллантириш имкониятлари кенг эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, таълим олувчи ўрганиш жараёнида айнан таълим берувчининг тажрибаларига таянади [3]. Шу жиҳатдан ўргатиш методи профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасини намоён қилувчи воситалардан биридир.

3. *Кўниктириш методи.* Ушбу методга кўра, талабалар таълим бериш, тарбиялаш ва амалиётга тайёрлаш жараёнига касбий жиҳатдан кўниктирилиши лозим. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш кутилган самарани беради:

- ҳафталик малакавий амалиёт даврида талабаларни таълим бериш жараёнига кўниктириш ва уларнинг тарбиялаш кўникмаларини ривожлантириш;
- амалий машғулотлар жараёнида талабаларнинг касбий кўникмасини шакллантириш жараёнини амалига ошириш;
- мустақил таълим топшириқлари воситасида талабаларнинг касбий кўникмаси даражасини ўрганиб бориш;
- касбий кўникмани эгаллаган талабаларнинг индивидуал тажрибаларини ривожлантириш.

Буларнинг барчаси бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш имкониятларини кенгайтиради.

Эътибор берилса, бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг тушунтириш, ўргатиш ва кўниктириш методлари бевосита





педагогик таълим кластерининг асосларидан бири ҳисобланади. Чунки бу методлар гуруҳли ёндашувга асосланади.

Педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг турли воситалари мавжуд. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бундай воситаларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Тизимли ёндашув воситаси.* Бу ёндашувнинг мазмунига кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини шакллантиришга мажмуи тарзда ёндашиш лозим. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

- талабаларни педагогик таъсир воситалари билан таништириш;
- талабаларнинг биргаликда фаолият асосларига ўргатиш;
- талабаларнинг амалий фаолият кўникмасини таркиб топтириш;
- талабаларни педагогик баҳолаш асослари билан қуроллантириш.

Мазкур масалалар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантиришда муҳим воситалар ҳисобланади. Шу сабабли амалий машғулотлар жараёнида айнан ана шу воситалар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини шакллантиришга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. *Компонентли ёндашув воситаси.* Мазкур ёндашув воситасига кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг қобилиятлари ривожлантирилиши ва улар таълим – тарбия бериш компонентлари билан таништирилиши керак. Бундай компонентларнинг асосийларини қуйидагилар ташкил этади:

- дарсни лойиҳалашни билиш;
- дарсга ташкилий тайёрланишни билиш;
- дарсни кутилган даражада амалга ошириш асосларини билиш;
- дарснинг самарадорлигини баҳолашни билиш.

Бундай ёндашув бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Шу сабабли педагогик туркумдаги фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда компонентли ёндашув воситасининг имкониятларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

3. *Малака ҳосил қилиш воситаси.* Мазкур воситанинг мазмунига кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмалари малакага айлантирилиши керак. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- талабаларни ўқув материаллари мазмуни билан ишлашга ўргатиш;
- талабаларни маълумотларни таҳлил қила олишга ўргатиш;
- талабаларда таълим оловчиларнинг руҳиятини билиш кўникмасини ҳосил қилиш;
- талабаларни ўз кўникмасини ривожлантириб боришга ўргатиш.



Мазкур асосларга кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлаштирган назарий билим ва амалий кўникмалари малака даражасига айлантирилади. Шу сабабли танлов фанларини ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантириш учун уларнинг малакасини ривожлантиришга аҳамият бериш муҳим ҳисобланади.

Диққат қилинса, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг тизимли, компонентли ва малакали воситалари негизда таълим берувчи ҳамда таъдлим олувчининг ҳамкорлиги мавжуд. Шу жиҳатдан бу воситалар педагогик таълим кластерининг амалий жиҳатларидан бирини ташкил этади [4].

Шундай қилиб педагогик таълим кластери асосида бўлажак ўқитувчилар касбий кўникмасини амалий шакллантиришнинг самарали методлари ва воситалари ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалаларни ўзлаштириш бўлажак ўқитувчилар учун зарурият ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // www.ziyounet.uz.
2. Муҳамедов Ғ., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Чирчиқ, 2019
3. Жуманова Ф. ва бошқ. Умумий педагогика асослари. – Тошкент, 2020
4. Жабборова О.М., Умарова З.А. Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2022